ЮРТБОШИМИЗ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Чортоқ туман кенгаши "Маънавият ва маърифат" маркази туман бўлими билан ҳамкорликда республика Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарини ўрганишга бағишлаб мулоқот ўтказди. Асар туман меҳнаткашларида катта таассурот қолдиргани таъкидланди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

СИРДАРЁДА ВОДИЙ НАФАСИ

Қўриқ воҳага Фарғона ҳамда Наманган вилоятларидан ҳашарчилар келишди. Улар йиғим-теримни тез ва соз ўтказишда сирдарёликларга ёрдам беришади. 15 минг кишилик мададкорлар вилоятнинг Оқолтин, Ш. Рашидов ва Меҳнатобод туманларида иш бошлаб юборишди.

Абдужалил УМАРОВ.

ЙИЛ ОЙИ ЖУН

ЯНГИ ДОРИВОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА

Тошкентдаги "Дезинтех" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ПГМГ деб номланган янги дезинфекция воситаси ишлаб чиқара бошлади. Рангсиз, ҳидсиз ва заҳарсиз бу доривор хлорли оҳакга нисбатан юз баравар кучлидир. Уни синаб кўрган корхона ва ташкилотлар самарадорлигига юқори баҳо бердилар.

Бобо САРОИЙ.

ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ОҚ ЙЎЛ ОЛГАН АВТОМОБИЛЛАР

Самарқанддан Отойол-Ивеко "Хоч Холдинг" компаниясида ишлаб чиқарилган 13 та автомобиль йўлга чиқди. Улар орасида автобуслар, юк машиналари, ёнилғи ташувчи ва хўжалик ишларига ихтисослашган замонавий автомашиналар бор. Қувонарлиси, келгуси йилдан бошлаб мамлакатимизда "СамКочавто" ўзбек-турк қўшма корхонаси томонидан ушбу автомобилларни ишлаб чиқариш режалаштирилган. Самарқандда оқ йўл олган автомобиллар республикамиз вилоятларини кезиб,5 октябрь куни Тошкентга етиб келади.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 27 сентябрь, шанба № 114 (22.198).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

• Бухоронинг 2500 йиллиги арафасида бугун бу ерда баскетбол бўйича халқаро мусобақа бошланади. У 3 октябргача давом этади.

Унда Марказий Осиё мамлакатлари, Россия ва Озарбойжон спортчилари иштирок этади.

* * *

• Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари кардиологлари ассоциациясининг учинчи конгресси бўлмоқда. Юрак қон-томир тизими хасталикларини даволаш борасида олиб борилаётган илмий изланишларни ривожлантириш конгресснинг асосий масаласидир.

* * *

• Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «ДЭУ Юнител» компаниясининг тақдимот маросими бўлди. У «Жи-Эс-Эм» стандарти бўйича юртимизда уяли алоқа соҳасида фаолият кўрсатади.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ХОРАЗМДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

26 сентябрь куни Президент Ислом Каримов Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Мамлакатимиз раҳбарини Урганч аэропортида Хоразм вилояти ҳокими Искандар Юсупов, Урганч шаҳри ҳокими Эргаш Юсупов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Маълумки, Хоразм вилояти кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ижобий ютуқларга эришмоқда. Айниқса, ғалла етиштириш ва давлатга сотиш топшириқлари республикада биринчи бўлиб уддаланди. Ҳозирги кунда пахта мавсуми ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Хоразмликлар шоли етиштириш борасида ҳам муайян тажрибага эга.

Йўлбошчимиз дастлаб Боғот туманидаги шоличиликка ихтисослашган «Боғот» жамоа хўжалиги фаолияти билан танишди. Мазкур жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувақов мамлакатимиз раҳбарига шоличиликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди. Ўтган йили жамоа хўжалиги шолининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олган бўлса, бу йил 60 центнерни кўзланаётгани ва шунга яраша ҳосил етиштирилганини айтди.

Президент ҳосилдорликнинг йилдан-йилга ошаётгани сири билан қизикди.

— Мен Жанубий Кореяда бўлиб, шоличилик технологиясини атрофлича ўрганиб келдим, — деди М. Қувақов. — Шолини кўчатлаб экиш тажрибаси жуда қўл келяпти.

Ислом Каримов нафақат жамоа хўжалик раҳбарларини, балки ҳосил етиштириш билан бевосита шуғулланувчи мутахассис ва агрономларни ҳам Жанубий Корея ва Хитойга тажриба ўрганишга юбориш лозимлигини таъкидлади.

Дала чеккасида турган шолини кўчатлаб экадиган мўъжазгина хориж ускунаси мамлакатимиз раҳбарида қизиқиш уйғотди...

— Мослама жуда содда, лекин, самарали экан, — деди Ислом Каримов. — Қанчаданқанча валюта сарфлаб уни четдан олиб келгандан кўра ўзимизнинг заводларда ҳам шунақа ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқ керак.

«Боғот» жамоа хўжалигининг чигитни плёнка остига эккан далалари бошида ҳам қизғин мулоқотлар бўлди. Пахта ҳосилдорлигини янада ошириш масалалари тилга олинди.

— Бунинг учун, — деди Президент, — фақат бир навга қараб қолмаслик лозим. Мана сизлар фақат «Ф-175» навига боғланиб қолгансизлар. Ҳолбуки, бу нав ҳам эскирди, етти йилдан зиёд шу нав экилмоқда. Менимча камида уч нав экилиши лозим. Майли, асосийси «Ф-175» бўлганда ҳам янада тезпишар, ҳосилдор навларни ҳам кўрмасдан синовдан ўтказиш зарур.

Деҳқоннинг ерга эгалик ҳуқуқи, машина-трактор парклари билан жамоа хўжаликларининг алоқаси, деҳқонлар моддий манфаатдорлигини ошириш борасида ҳам Президент аниқ маслаҳатлар берди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2500 йиллик тўйига ҳозирлик кўраётган Хева шаҳрига ташриф буюрди. Ичонқалъа, Карвонсарой, Кўҳнаарк, Тошҳовли каби тарихий обидаларда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари билан танишди. Баъзи иншоотлардаги таъмирлаш ишлари миллий руҳимизга мос келмаслигини таъкидлаб, юбилейга қадар бу камчиликларни тугатиш лозимлигини айтди. Бу ишларда Хоразм меъморчилиги услубини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ичонқалъада мамлакатимиз раҳбари бир гуруҳ франциялик ва бельгиялик сайёҳлар билан суҳбатлашди. Сайёҳлар Хевада юбилей арафасида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишларидан ҳайратга тушганлигини айтишди.

Давлатимиз раҳбари Хоразм сафари ниҳоясида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида йиғилиш ўтказди. Унда, асосан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, Хеванинг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик борасида ҳам фикрлар билдирилди.

Президент Ислом Каримов шу куни Урганчдан Қарши шаҳрига жўнаб кетди.

Президентимизнинг вилоятлар бўйлаб сафарида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ҳамроҳлик қилмоқда.

Илҳом САФАР, ЎзА махсус мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш, ёшларимиз онгига миллий ғурур ва истиқлол мафкураси ғояларини сингдириш, мустақиллигимиз қадриятларини асраб-авайлашга қодир муносиб ворислар тарбиялашга ҳамда тинчлик ва барқарорлик сақланишига қўшган шахсий ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаева Раъно Саидахмедовна -- Ширин шаҳри 2-мактаб кимё ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Абдуллаева Сайпашша Улуғходжаевна -- Сирғали тумани 303-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Абдураҳмонов Собир Абдураҳмонович -- Чирчиқ шаҳри 2-гимназия-мактаби математика ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Абдурахмонов Абдумажит -- Бешариқ тумани 10-мактаб кимё ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ашурова Улбусин Гафуровна -- Конимех тумани 7-мактаб кимё-биология ўқитувчиси, Навоий вилояти

Бабажанов Юлдаш -- Нукус шаҳри 25-мактаб физика ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Есемуратов Азат -- Чимбой тумани 1-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жовлиев Берди -- Яккабоғ тумани 48-мактаб математика ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Зиядуллаев Ахмад -- Қумқўрғон тумани 21-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Исмоилов Тоштемир -- Жарқўрғон тумани 33-мактаб физика ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Исоқов Зиннатилло -- Қизилтепа тумани 19-мактаб физика ўқитувчиси, Навоий вилояти

Йўлдашева Саҳобат -- Жиззах шаҳри 15-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Калиниченко Иван Алексеевич -- Самарқанд шаҳри 21-мактаб физика ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Каримова Қумрихон -- Пахтаобод тумани 8-мактаб директори, Андижон вилояти

Машарипова Бикажон -- Шовот тумани 24-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Ниёзова Мавлудахон -- Асака тумани 30-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Равшанқулов Раббимқул -- Ховос тумани 6-мактаб кимё-биология ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Темиров Турсунбай -- Учқўрғон тумани 20-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Наманган вилояти

Холхўжаев Мияссар -- Фориш тумани 78-мактаб кимё-биология ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Хамралиева Патилахон -- Тошлоқ тумани 24-мактаб француз тили ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ходжаев Бобоқул Намазович -- Олот тумани 3-мактаб директори, Бухоро вилояти

Шомурадова Хосият Норқобиловна -- Оқтош шаҳри 10-гимназия мактаби бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Шоюсупов Ахмаджон -- Чуст шаҳри 2-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ядгаров Хидирбой Тураевич -- Гурлан тумани 13-мактаб информатика ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Якубова Гулафшан -- Оҳангарон тумани 38-мактаб география ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Қаҳҳорова Ҳабиба Сатторовна -- Бухоро шаҳри 17-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ганиева Хурсанд -- Китоб тумани 5-мактаб физика ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Гофуров Убайдулла -- Ҳамза тумани 204-мактаб директори, Тошкент шаҳри.

Ақл-заковат ва илм борасидаги иқтидорини ўстириш, жамият, оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган эркин шахслар вояга етказиш, истиқбол эгаси - соғлом авлодни камол топтириш, уларни озод ва обод Ватанга муҳаббати ва садоқати қучли ҳамда фидоий инсонлар қилиб тарбиялашдаги шарафли меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

I ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдреимов Максуд Мадреимович -- Олимпия резервлари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича катта устози, Қорақалпоғистон Республикаси

Алимова Раъногон Мамажоновна -- Марҳамат тумани 2-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Аллабердиев Исо -- Шеробод тумани 15-мактаб география ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Амирқулова Норой -- Косон тумани 80-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ахмедова Мухтарам -- Қарши шаҳри 1-лицей математика ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ахмедова Шаходат -- Жиззах тумани 10-мактаб география ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ашуров Қосим -- Шўрчи тумани 68-махсус ёрдамчи мактаб интернати ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Болтабоев Мамарасул -- Қувасой шаҳри болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқитувчи-мураббийси, Фарғона вилояти

Вакилова Карима Абдуллаевна -- Зангиота тумани 1-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Джумаев Нор -- Қорақўл тумани 41-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Егоров Анатолий Васильевич -- Тошкент давлат педагогика институти доценти

Елдибаев Қидирбай -- Хўжайли тумани 10-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Исроилова Нафиса Холматовна -- Шайхонтоҳур тумани 102-мактаб тарих ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Исхакова Надежда Ишанкуловна -- Собир Раҳимов тумани заиф эшитувчи болалар 102-

(Давоми 2-бетда).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ 1996 йилда Россия ҳудудида 1,9 миллион гектар ўрмон ёнғиндан нобуд бўлган. Жорий йилнинг шу даврига-ча эса 550 гектар ўрмонда ёнғин содир бўлган.

* * *

☑ Европа Иттифоқи Чернобиль ҳалокатидан зарар кўрганларга ёрдам учун 1 миллион ЭКЮ-1,1 миллион доллар ажратади. Европа Иттифоқининг ижроия органи Европа комиссияси шундай қарор қабул қилган.

* * *

☑ Финляндиянинг «Савон саномат» ва «Турун саномат» газеталари ўтказган сўров натижаларига кўра, 57 фоиз сўров иштирокчилари Финляндиянинг НАТОга қўшилишига қарши. Сўралганларнинг тўртдан бир қисмигина мамлакатнинг НАТОга аъзо бўлиши тарафдори.

* * *

☑ АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари 24 соатгача барча ҳарбий самолётларнинг ҳавога кўтарилишини тақиқлаб қўйди. Сабаби ҳарбий учувчилар билан хавфсизлик йўриқлари бўйича махсус машғулотлар ўтказилишидир.

Бундай қатъий йўл тутишга кейинги бир ҳафтада Америка ҳарбий ҳаво кучларининг олтита самолёти ҳалокатга учрагани мажбур этган.

* * *

☑ Россия Президенти Борис Ельцин мамлакат ҳокимият тизимидаги жиноятларнинг олдини олиш учун кескин чоралар кўриш тараддудида.

Қонун устуворми ёки?..

ҚАРОРГА ҚАРАШДИЮ ҚОНУННИ УНУТИШДИ

Нима кўп — тадбиркорликнинг тури кўп. Биров ўзи мол ишлаб чиқаради, биров воситачилик қилади. Бошқа бири эса чет элдан мол келтирса, кимдир хорижга мол сотиш билан шуғулланади. Масъулияти чекланган «Жафар» ширкати эса хорижга ишчи кучи чиқармоқчи бўлди. Бинобарин, тадбиркорликнинг бу тури жаҳонда кенг тарқалган бўлиб тез самара берадиган бизнес ҳисобланади. Чунончи, Туркия, Япония, Хитой, Индонезия, Малайзия, Жанубий Корея сингари мамлакатлар иқтисодий ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатдики, хорижга ишчи кучи чиқариш шу мамлакатлар бюджетига валюта тушумини сезиларли даражада кўпайтирибгина қолмай, чет эллик иш берувчилар маблағи ҳисобидан яхши тайёрланган малакали кадрлар, янги техника ва технологиянинг оқиб келишини ҳам таъминлар экан.

Шу жиҳатдан қаралса, ортиқча ишчи кучини хорижга олиб чиқмоқчи бўлган тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати қўллаб-қувватлашга арзийди. Зеро, мустақил мамлакатимизнинг мавжуд қонунлари ҳам буни рағбатлантиради. Шунга кўра «Жафар» фирмаси Саудия Арабистонидаги «Ал-фурсан» компанияси билан келишиб, 100 нафар ишчи кучи етказиб бериш юзасидан шартнома тузди. Хорижий шерик юртимиздан борадиган ишчи ва мутахассисларни ишга жойлаштириш хусусида тайинли иш берувчилар билан музокаралар бошлаган пайтда «Жафар» фирмаси раҳбари Райимжон Рўзметов ишчи кучларини хорижга олиб чиқиб кетиш учун Меҳнат вазирлигидан рухсатнома (лицензия) сўради.

«Жафар»нинг мурожаатини Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга ишлашга жўнатиш учун номзодларни танлаш идораларо комиссияси кўриб чиқди ва шундай хулоса берди: «Комиссияга ушбу жамият («Жафар» — ред.) раиси таклиф қилиниб, унга **ҳозирги даврда республикамиздаги мавжуд қонун асосида** Меҳнат вазирлигига хорижий давлатларга ишга жўнаб кетаётган ҳар бир шахснинг ҳужжатларини алоҳида кўриб чиқилиши жорий қилингани ва **вазирлик томонидан бирор бир ташкилот ёки ширкатга ушбу фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома берилиши кўзда тутилмагани** уқтириб ўтилди.

Ушбу масала бўйича хат муаллифига республикамизда ҳозирги кунда бўлган қонунни тушунтириб берувчи жавоб хати тайёрланиши кераклиги таъкидланди». (Идораларо комиссиянинг 1996 йил 15 декабрдаги мажлиси баённомасидан).

Орадан икки ҳафта ўтгач Меҳнат вазирлигининг Ҳалқаро алоқалар бошлиғи(?) С. Саидназирхонов имзоси билан «республикамизда ҳозирги кунда бўлган қонунни тушунтириб берувчи» ушбу жавоб хати тайёрланди: «Жафар» МЧЖ директори Р. Рўзметовга. Сизнинг 25 ноябрдаги 2-сон хатингизга жавобан Меҳнат вазирлиги маълум қиладики, республика фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Меҳнат вазирлигининг рухсатномаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сонли қарори 1-иловасига асосан, улар томонидан мазкур Низомнинг 4-бандида кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг берилади.

Юқорида қайд этилган Низомнинг 7-бандига биноан фуқароларга чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш ҳақидаги Меҳнат вазирлигининг қарори Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга ишлашга жўнатиш учун номзодларни танлаш Идораларо комиссияси билан келишилган ҳолда қабул қилинади»..

Мана, Меҳнат вазирлигида ўтирган амалдорнинг мавжуд қонунни бизга тушунтириши! Ишончимиз комилки, бундай «тушунтириш»дан сўнг, билган қонунларингизни ҳам чалкаштириб юборишингиз ҳеч гап эмас. Лекин бир эшикдан икки хил жавоб чиқар экан. Шу вазирликнинг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясидан келган хат юқоридаги «тушунтириш» — яъни рад жавобдан тарвузи қўлтиғидан юмалаган тадбиркорнинг кўнглида умид чироғини ёқди. Унда хусусан шундай дейилганди: «Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги» Қонуни 19-модда, 4-бандига биноан чет элларда ишлаш учун фуқароларни ёллаш ва ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган юридик шахсларнинг фаолият кўрсатишига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг лицензия бериши кўзда тутилади».

Афсуски, Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясининг хулосаси ҳам инобатга олинмади. Чунки инспекция вазириликнинг ўзига қарашли-да! Шак-коклиги учун унга тузуккина дашном берилди.

Бояқиш тадбиркор энди мадад истаб Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига мурожаат этди. Бу ердан ҳам Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясидан олинган жавобга айнан ўхшаш жавоб олинди. Аммо у ҳам тадбиркор билан вазирлик ўртасидаги баҳсга бирон бир таъсир кўрсата олмади.

Шундан сўнг ноилож қолган тадбиркоримиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нажот истаб Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши эшигини қоқди. Ҳар ҳолда 9 ойдан бери баҳслашавериб ҳолдан тойган тадбиркорни бу даргоҳда тушуниш билан қабул қилишди. Унга зарур маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатилди. Мабодо, бундан кейин ҳам Меҳнат вазирлиги «Жафар»га лицензия беришдан бош тортса, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексининг 15-моддасига биноан уни Олий хўжалик судига беришингиз мумкин, деб тушунтиришди.

Наҳотки, нўхатдек кўрилган киргандир, лекин амалиётдан олиб ташланган эмаску, деб эътироз билдирмоқчи бўлдим, аммо суҳбатимиз якун топиб, калима бўғзимда қолди.

Нима ҳам дердик? Қонунни менсимаган вазирга оддий гап кор қилармиди? Шу боис майда-чуйда баҳсларни бас қилдик-да, Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 26 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган нутқидаги ушбу сўзларни эслатиб ўтишни лозим топдик.

«Биз хусусий тадбиркорликнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ва тартибларга ҳокимиятнинг жамики бўғинлари томонидан оғишмай амал этиладиган қатъий ва мажбурий муҳитни вужудга келтиришимиз шарт. Кимки бу ишга ҳалақит бераётган бўлса, тўрачилик, таъмагирлик юлғичлик билан шуғулланаётган бўлса, шафқатсиз суратда жазоланиши зарур. Расмиятчиликни ўзига қалқон қилиб олиб, амалда кичик бизнес тараққиётига тўғаноқ бўлаётган кимсаларнинг баҳридан ўтиш керак. Биз кичик ва ўрта корхоналарнинг турли шаклларини тез ва кенг ривожланиши учун йўл очишимиз зарур».

Норбобо ШАКАРОВ, «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

махсус мактаб-интернат директори, Тошкент шаҳри

Кубаева Мусрат Кубаевна -- Зарафшон шаҳри 3-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Навоий вилояти

Маматқулов Умбат -- Оққўрғон тумани 13-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Мехмонназаров Муҳаммад -- Ёзёвон тумани 11-мактаб физика ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Миргиёзов Маҳмуд Мирахмедович -- Даштобод шаҳри 25-мактаб математика ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Муллажонова Малика -- Сирдарё шаҳри 3-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Низамова Каримахон -- Норин тумани иқтидорли болалар лицейи математика ўқитувчиси, Наманган вилояти

Раззаққова Рўзигул -- Хонқа тумани 7-мактаб тарих ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Тошмаматов Юсуф -- Каттақўрғон тумани 3-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Усмонов Марат -- Булоқбоши тумани 4-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Андижон вилояти

Шодмонова Хосият -- Сайхунобод тумани 26-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Юсупов Иброхим Исмаилович -- Нарпай тумани 45-мактаб чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Яқубова Гавҳархон -- Тўрақўрғон тумани 1-мактаб математика ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ян Галина Николаевна -- Навоий шаҳри 18-мактаб математика ўқитувчиси, Навоий вилояти

Қодиров Аъзам Раҳмонович -- Бухоро тумани 16-мактаб инглиз тили ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Қурбонов Абдулла -- Ҳазорасп тумани 25-мактаб физика ўқитувчиси, Хоразм вилояти

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаева Каромат -- Деҳқонобод тумани 70-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Абдуллаева Озода -- Навоий тумани 1-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Авезов Ражаб Шодиевич -- Ғиждувон шаҳри 2-мактаб мусиқа ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Антипова Людмила Григорьевна -- республика ҳунар-техника таълими ходимлари малакасини ошириш институти махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими кафедраси профессори

Бабоев Атохон -- Элликқалъа тумани 13-мактаб физика ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Баласанова Ампира Леонтьевна -- Самарқанд давлат чет тиллари институти кафедра мудири, Самарқанд вилояти

Дмитриева Антонина Евгеньевна -- Бўстонлиқ тумани 2-мактабининг маънавият ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, Тошкент вилояти

Жангирова Назокат -- Мирзаобод тумани 4-мактаб тарих ва ҳуқуқшунослик ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Ибрагимова Ноила Саидовна -- Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли меҳрибонлик уйи ўқитувчи-логопеди

Кондакова Муҳаббат Бакиевна -- Давлатобод тумани 56-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Наманган вилояти

Куканов Тўлқин Мирходжиевич -- Ҳамза тумани болалар лицейи жисмоний тарбия ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мадаминова Хамидахон -- Қўқон шаҳри 5-ақли заиф болалар мактаб-интернати директори, Фарғона вилояти

Мажидов Рашид -- Ғузор тумани 50-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Матяқубов Жуманазар Қодирович -- Шовот тумани 29-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Мирзаева Муқаддам Лухмановна -- Термиз шаҳри 12-мактаб математика ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Отахонова Шарифахон -- Избоскан тумани 26-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Андижон вилояти

Полвонова Раъно Ибадуллаевна -- Мирзо Улуғбек тумани 221-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Салиев Махсетбай Жиенбаевич -- Кегейли тумани 5-мактаб тарих ва ҳуқуқшунослик ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сафаралиев Исмоил -- Нурота тумани 15-мактаб комплектлашган синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Сирожиддинов Шарофиддин -- Бўка тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, Тошкент вилояти

Тожибоев Эргаш -- Пахтакор тумани 9-мактаб илмий бўлим мудири, Жиззах вилояти

Тоғаева Мамлакат Субхонқуловна -- Меҳнатобод тумани 5-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Турсунова Хапизахон -- Учқўрғон шаҳри 2-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Убайдуллаева Муяссар Пазиловна -- республика ўқувчилар саройи «Бойчечак» болалар хор тўгарагининг раҳбари

Уринов Ражаб -- Бухоро шаҳри 27-махсус ёрдамчи мактаб интернати тарбиячи

Холмуродов Мухаммаджон -- Пахтаобод тумани 2-мактаб тарих ўқитувчиси, Андижон вилояти

Худойқулов Ражаб Жўраевич -- Ангор тумани 17-таянч мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Юнусова Гавхар -- Олтиариқ тумани 37-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Янгибаева Гавхаржон -- Урганч шаҳри 7-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Ғозиев Норбой -- Бахмал тумани 44-мактаб тарих ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ғуломова Хакима -- Самарқанд тумани 48-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ёшларнинг билимдонлик даражасини ошириш, ўқишга интилиш қобилиятини шакллантириш, уларни маърифий уйғоқликка чорлаш йўлидаги фидокорона хизматлари ҳамда Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдалимова Хидоят -- Бувайда тумани 14-мактаб математика ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Абдалина Евгения Александровна -- Тошкент давлат университети кафедра мудири

Абдиязов Боғбек -- Хева тумани 21-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Абдувохидов Абдурашид -- Оқдарё тумани 28-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Абдуманнапов Шерматбой -- Мингбулоқ тумани 6-мактаб тарих ва география ўқитувчиси, Наманган вилояти

Абдураимова Норбуви Юсуповна -- Бахт шаҳри 3-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Алишева Ильсияр Абдуллаевна -- Бухоро шаҳри 10-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ашурматова Мақсуда -- Асака шаҳри 8-мактаб инглиз тили ўқитувчиси, Андижон вилояти

Бекматова Назокат -- Самарқанд шаҳри 20-мактаб математика ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Бердимуратов Султонбой Машарипович -- Боғот тумани 24-мактаб ўқув тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, Хоразм вилояти

Бобокалонов Нусратулло -- Сариосиё тумани 1-мактаб математика ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Головченко Нина Васильевна -- Шаҳрисабз шаҳри 6-мактаб физика-математика ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Домлажонов Ҳасанбой -- Хонобод шаҳри 2-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Андижон вилояти

Дуйсебаева Айниса Каримовна -- Конимех тумани 6-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ерниязова Узакгул -- Тахтакўпир тумани 1-мактаб математика ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Игнатенко Валентина Александровна -- Денов шаҳри 2-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Исмаилова Зухра -- Мирзачўл тумани 5-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Каримов Баҳодир Рахмонович -- Наманган шаҳри 44-мактаб директори, Наманган вилояти

Латипова Шохсанам Мадиримовна -- Хонқа тумани 18-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Лошинин Анатолий Алексеевич -- Бектемир тумани 24-болалар ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, Тошкент шаҳри

Ляхеров Анатолий Владимирович -- Когон шаҳри 3-мактаб математика ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Маневич Давид Вульфович -- Тошкент давлат педагогика институти профессори

Мустаров Эшмамат -- Шўрчи тумани 4-мактаб кимё ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Насимова Хосият -- Тойлоқ тумани 11-мактаб биология ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Осина Лидия Максимовна -- Марғилон шаҳри 6-мактаб немис тили ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Остонова Гулчехра -- Андижон тумани 40-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Андижон вилояти

Пўлатов Рамазон Турдиевич -- Нишон тумани 10-мактаб немис тили ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Постникова Надежда Моисеевна -- Янгиер шаҳри 4-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Путоркина Ольга Дмитриевна -- Жиззах шаҳри 17-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Работкина Нина Кузьминична -- Қуйи Чирчиқ тумани 8-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Сагатов Курбандурди -- Шуманай тумани 17-мактаб туркман тили ва адабиёти ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сапаров Бабанияз -- Хўжайли тумани халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Соболева Татьяна Алексеевна -- Юнусобод тумани 51-гимназия мактаби француз тили ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Сотликов Каримбай Кулумович -- Тўрткўл тумани 12-мактаб инглиз тили ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Суфьянова Сундус Серверовна -- Навоий тумани 8-мактаб инглиз тили ўқитувчиси, Навоий вилояти

Табарова Роза Шакировна -- Собир Раҳимов тумани 309-Шарқ тиллари лицейининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Тиунова Наталья Васильевна -- Зарафшон шаҳри 1-гимназия мактаби рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Навоий вилояти

Тилеукулов Сейдуали -- Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири

Узоқбоева Тўхтабу -- Янгийўл шаҳри 15-мактаб кимё-биология ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ходакова Галина Михайловна -- Олмалиқ шаҳри 14-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Чинаков Чўпон -- Баҳористон тумани 8-мактаб туркман тили ва адабиёти ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Шарофидинова Жўрахон -- Фарғона шаҳри 7-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Шихатов Юрий Павлович -- Гулистон шаҳри халқ таълими бўлими мудири ўринбосари, Сирдарё вилояти

Эргашев Шароф -- Фориш тумани 14-мактаб математика ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Яковлева Елена Дмитриевна -- Чуст тумани 25-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ғафурова Матлаб Ғаффоровна -- Пешку тумани 8-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Янги авлодни буюк миллий маънавиятимиз, бой маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятлар заминида истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш ҳамда маърифатни тарғиб қилишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдубоқиев Оқбўта -- Челак тумани 11-мактаб география ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Абдураҳмонов Машрабжон -- Бағдод тумани иқтисодий гимназия ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Акбарова Камола Олимовна -- Юнусобод тумани 272-мактаб форс тили ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Алланазарова Рўзигул -- Янгиариқ тумани 38-гимназия бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Артиков Сапарбой -- Бўзатов тумани 10-мактаб меҳнат таълими ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Отаматов Одилжон Қўзибоевич -- Андижон шаҳри 23-мактаб биология ўқитувчиси, Андижон вилояти

Расулова Шодигул Шамановна -- Термиз тумани «Бойчечак» болалар боғчаси тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

Ачилов Рахманбек -- Учқўрғон тумани 27-мактаб илмий бўлим мудири, Наманган вилояти

Бадалов Шавкат Азимович -- Жиззах тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бокс бўйича мураббийси, Жиззах вилояти

Бахронова Манзура Ахмадовна -- Ромитан тумани 2-болалар боғчаси тарбиячиси, Бухоро вилояти

Бўриев Шавкат -- Бойсўн тумани 12-меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

Боборахматова Райхон Қиличевна -- Пахтачи тумани 24-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Боймиров Турсунқул -- Қамаши тумани 59-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Болибеков Алишер Абдусаломович -- Шароф Рашидов тумани 18-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Валиева Раъногон Усмоновна -- Қува тумани 32-мактаб мусиқа ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Гадоев Мамасобит -- Сўх тумани 2-мактаб тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Горлова Ольга Викторовна -- Шаҳрихон шаҳри 2-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Андижон вилояти

Жумабоева Замирахон -- Қўрғонтепа тумани 5-болалар боғчаси тарбиячиси, Андижон вилояти

Зияйдинова Шадманхан Салимовна -- Ҳаққулобод шаҳри 1-мактаб математика ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ибадуллаев Райимберган Эгамберганович -- Урганч тумани 47-нафис санъат гимназияси тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Ибодуллаева Гавхар Иноятовна -- Янгибозор тумани 19-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Искандарова Шаъира Бекберганова -- Урганч шаҳри 27-болалар боғчаси тарбиячиси, Хоразм вилояти

Исмоилова Обидахон -- Уйчи тумани халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси, Наманган вилояти

Кайпенова Тамарахон Жанабаевна -- Қораўзак тумани 13-мактаб қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримова Ҳақиқат Хафизовна -- Самарқанд тумани 15-болалар боғчаси тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Каримова Назира -- Шофиркон тумани 38-мактаб ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, Бухоро вилояти

Кашкаров Даниил Юрьевич -- Тошкент давлат университети доценти

Мавлянова Иноят -- Юқори Чирчиқ тумани 20-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Мамаджонова Шоҳидахон Мўминовна -- Риштон тумани 15-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мирзаев Худайберган -- Ҳазорасп тумани 2-мактаб география ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Мирзаева Шаходат Собировна -- Акмал Икромов тумани 283-мактаб математика ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Муратова Малика Эргашевна -- Юқори Чирчиқ тумани 10-болалар боғчаси тарбиячиси, Тошкент вилояти

Мусаева Хайринсо -- Шаҳрихон тумани 19-мактаб география ўқитувчиси, Андижон вилояти

Мирзамуратова Турсингул Науризбаевна -- Қонликўл тумани 14-мактаб кимё ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Назаров Абдусалом Жабборович -- Навбаҳор тумани 18-мактаб тарих ўқитувчиси, Навоий вилояти

Низамова Маҳбуба -- Чиноз тумани 40-мактаб инглиз тили ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Нодирова Бегам Хўжақуловна -- Нишон тумани 2-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Норбоева Хамида Самадовна -- Гулистон шаҳри «Лола» болалар боғчаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Нормаматова Назокат Абдурахмоновна -- Ғузор тумани 4-мактаб кимё ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Насирова Куйсулиу Асаматдиновна -- Мўйноқ шаҳри 2-мактаб қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Отаматов Одилжон Қўзибоевич -- Андижон шаҳри 23-мактаб биология ўқитувчиси, Андижон вилояти

Расулова Шодигул Шамановна -- Термиз тумани «Бойчечак» болалар боғчаси тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

Рахматова Хайрихон Аширалиевна -- Поп тумани 16-мактаб кимё-биология ўқитувчиси, Наманган вилояти

Рўзиева Ирода Зубайдуллаевна -- Каттақўрғон тумани 54-мактаб инглиз тили ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ривачева Муборак Нуруллаевна -- Оқолтин тумани 2-мактаб немис тили ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Саитов Сагидулла Жуманович -- Нукус тумани 27-мактаб мусиқа ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Салахитдинова Турғуной Фозиловна -- Фарғона шаҳри 12-мактаб илмий бўлим мудири, Фарғона вилояти

Сатторова Ашургул -- Узун тумани 36-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Сотволдиев Қиличбек -- Жалолқудуқ тумани 24-мактаб физика ўқитувчиси, Андижон вилояти

Сувонова Нина Алексеевна -- Тойлоқ тумани 34-мактаб кимё ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Сулайманов Яхшибек -- Чортоқ тумани 16-мактаб география-биология ўқитувчиси, Наманган вилояти

Сулаймонова Махмудахон Ахмедовна -- Ўзбекистон тумани 1-мактаб тарих ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Сулейманова Ҳолида Сдиковна -- Мирзо Улуғбек тумани 64-мактаб кимё ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Султанов Тўлқин Ахметович -- Сирғали тумани халқ таълими бўлими мудири, Тошкент шаҳри

Суцепина Лариса Валентиновна -- Олмалиқ шаҳри 80-махсус мактаб-интернати тарбиячиси, Тошкент вилояти

Тўйлиев Иброҳим Ҳайитович -- Қорақўл тумани 21-мактаб география ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Тўқсанов Мизроб -- Ғиждувон тумани 13-мактаб биология ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Тўрақулова Ўғилжон Тангатовна -- Янгийўл тумани 35-мактаб география ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Тоғаев Тўлқин Исанович -- Ғузалкент тумани 3-мактаб тарих ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Турдалиева Дилором -- Фарғона тумани 39-мактаб меҳнат таълими ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Тўхтасунова Каримахон Маллаевна -- Косонсой шаҳри 6-мактаб немис тили ўқитувчиси, Наманган вилояти

Умарова Шоира Болтаевна -- Қизилтепа тумани «Саодат» болалар боғчаси тарбиячиси, Навоий вилояти

Умматов Сирожиддин Исақович -- Балиқчи тумани 5-гимназия математика ўқитувчиси, Андижон вилояти

Утарова Айтгул Қуватовна -- Амударё тумани 11-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Файзуллаева Малика Закировна -- Чилонзор тумани 534-болалар боғчаси тарбиячиси, Тошкент шаҳри

Худойқулов Акрам -- Жомбой тумани 46-мактаб расм-чизмачилик ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Хушбақов Ўрол -- Булунғур тумани 18-мактаб математика-информатика ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Шакирова Онахон Нурмахаматовна -- Учқўрғон шаҳри 1-болалар боғчаси тарбиячиси, Наманган вилояти

Шамсуллина Роза Музагитовна -- Касби тумани «Феруза» болалар боғчаси мудири, Қашқадарё вилояти

Шариев Рахмон -- Шаҳрисабз тумани 57-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Шодмонова Бувойша -- Яккабоғ тумани 74-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Эгамбердиев Алламурат Махамадиевич -- Музработ тумани 20-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Эргашев Абдикамол -- Чироқчи тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, Қашқадарё вилояти

Эргашева Муяссар Абдуқаюмовна -- Пискент тумани 4-мактаб тарих ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Эшбеков Исмоил Бўрибоевич -- Зомин тумани 37-мактаб-боғча комплекси директори, Жиззах вилояти

Югай Илья Григорьевич -- Тошкент давлат педагогика институти декани

Қўрғонова Раҳимахон -- Бувайда тумани 19-мактаб биология ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қурбонбоев Жуманазар -- Қўшкўпир тумани 10-мактаб биология ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Қурбонов Муродқул -- Ургут тумани 49-мактаб тожик тили ва адабиёти ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ғаниев Ислом Тўйчиевич -- В. А. Успенский номли республика мусиқа мактаб-интернати ўқитувчиси

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республикада халқ таълимини равнақ топтириш, ёшларга билим ва тарбия бериш, касб маҳоратини ўргатиш, уларда юқори малака, савия, юксак маънавий баркамоллик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик ва ахлоқий фазилатларни шакллантиришдаги хизматлари ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Ваҳобов Нажмиддин -- Ургут тумани 55-мактаб директори, Самарқанд вилояти

Ёқубов Пўлат -- Паркент тумани 1-мактаб тасвирий санъат-чизмачилик ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Жунисбеков Елмурат -- Томди тумани 16-мактаб директори, Навоий вилояти

Зоҳидов Иброҳимжон -- Олтинкўл тумани 6-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Андижон вилояти

Кўчаров Амакбой -- Сирдарё тумани 11-мактаб директори, Сирдарё вилояти

Назаров Зойир -- Ромитан тумани 26-мактаб математика ва чизмачилик ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Насритдинова Гулихон -- Узун тумани 4-мактаб инглиз тили ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Раҳимов Тошпўлат -- Шаҳрисабз тумани 30-мактаб физика ва информатика ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Рахматуллаева Манзура Абдуллаевна -- Акмал Икромов тумани 245-мактаб кимё ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Сапарбаева Зияда -- Янгибозор тумани 15-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Сапарова Анаргул Сейтназаровна -- Қорақалпоғистон Республикаси 1-меҳрибонлик уйи бошланғич синф ўқитувчиси

Туранов Холмирза -- Ғаллаорол тумани 27-мактаб биология ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Турғунов Абдулахон -- Наманган вилояти аниқ ва табиий фанлар лицейи кимё-биология ўқитувчиси

Юсупов Рустам Тешабоевич -- Учқўприк тумани 15-мактаб математика ўқитувчиси, Фарғона вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Абдуллаева Рахима -- Зафаробод тумани 8-мактаб француз тили ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Абдуллаев Йўлдош -- Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий- тадқиқот институти катта илмий ходими

Абдуллаева Турсун Маҳмудовна -- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бош бошқармаси умумтаълим мактаблари бўлимининг бош инспектор-методисти

Абдураҳмонов Азизбек Ёқубович -- Андижон шаҳар халқ таълими бўлими мудири, Андижон вилояти

Абдураҳмонова Завражон -- Охунбобоев тумани 20-мактаб математика ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Алиқулова Камиля -- Гулистон тумани 70-мактаб инглиз тили ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Асадов Исмоилхўжа -- Янгиқўрғон тумани 26-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Наманган вилояти

Атажанова Марям Рустамовна -- Хева шаҳри 97-махсус мактаб-интернати бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Бўтаев Олти Хушназарович -- Касби тумани 2-касб-ҳунар мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Григорянц Аида Гайковна -- Тошкент давлат педагогика институти профессори

Далимова Назима -- Улуғнор тумани 6-мактаб тарих ўқитувчиси, Андижон вилояти

Жумаев Шоназар Каримович -- Жондор тумани 47-мактаб тарих ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Икромов Жўрабой -- «Халқ таълими» журналининг бош муҳаррири

Исматова Матлуба Мухамедовна -- Акмал Икромов тумани 129-мактаб тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Исмоилова Рисолат -- Бекобод тумани 2-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Исмоилова Хафиза -- Олтиариқ тумани 31-мактаб тарих ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Истамова Ойша -- Хатирчи тумани 20-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Камолов Қаҳрамон Вафоевич -- Шофиркон тумани 11-мактаб математика ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Каримова Бонат Синдаровна -- Иштихон тумани 36-мактаб француз тили ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Каримова Омина Абдурахимовна -- Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири

Кочетов Борис Сергеевич -- Миробод тумани 110-мактаб математика ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ли Фёдор Ильич -- Ўрта Чирчиқ тумани 1-мактаб директори, Тошкент вилояти

Магаметова Эльвира -- Самарқанд шаҳри 49-гимназия мактаби биология ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мадумаров Турсунбой -- Қўрғонтепа тумани 12-мактаб немис тили ўқитувчиси, Андижон вилояти

Маматқулов Тожимурот -- Бандихон тумани 2-мактаб тарих ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Матниёзов Арслон -- Қўшкўпир тумани 43-мактаб директори, Хоразм вилояти

Махмудов Собиржон -- Бешариқ тумани 32-мактаб физика ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мирзаев Раҳматилло -- Усмон Юсупов тумани 14-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Низомов Бобоқул -- Қизилтепа тумани 1-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Навоий вилояти

Нишонов Ачил Нарзуллаевич -- Сирдарё тумани 25-мактаб биология ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Нурбоев Хушвақт Рахмонович -- Денов тумани 1-мактаб география ва иқтисодий таълим асослари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Нуриддинова Марҳабат -- Уйчи тумани 5-мактаб немис тили ўқитувчиси, Наманган вилояти

Примқулов Арол -- Термиз тумани 2-мактаб директори, Сурхондарё вилояти

Раджапов Қурбанбай -- Тахиатош шаҳри 7-мактаб директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Рахимова Гулнора -- Қарши шаҳри 29-мактаб инглиз тили ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Рахматуллаева Сабохат -- Қарши тумани 8-мактаб география ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Солиев Алижон -- Бўз тумани 6-мактаб кимё ўқитувчиси, Андижон вилояти

Тадеева Людмила Мухарбековна -- Чилонзор тумани 182-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Тўражонова Хосият -- Оҳангарон шаҳри 2-мактаб немис тили ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Турсунов Зоҳиджон Каримович -- Косонсой тумани 20-мактаб тарих ўқитувчиси, Наманган вилояти

Умаров Бахтиёр Умарович -- Тошкент тумани 11-мактаб физика ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Фатхуллаева Мамлакатхон Жунайдуллаевна -- Каттақўрғон шаҳри 11-мактаб кимё-биология ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ходжаева Любовь Анатольевна -- Шайхонтоҳур тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси, Тошкент шаҳри

Хотамов Нарзулло -- Олтинсой тумани 39-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Чориева Эргашой -- Дўстлик тумани 1-мактаб тарих ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Шамуратова Қизларгул Раджаповна -- Беруний шаҳри 3-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Шералиев Парпибой -- Данғара тумани 9-мактаб география ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Эгамқулова Марварид -- Қўшработ тумани 40-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Абдуназарова Рухия -- Пастдарғом тумани 17-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Абдураҳманов Абдураҳим -- Наманган тумани 16-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, Наманган вилояти

Асқаров Саидмурод Бобоевич -- Бойсун тумани 6-мактаб меҳнат таълими ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Бозорова Амина -- Нурота тумани 27-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Навоий вилояти

Бреднев Феликс Иманилович -- Юнусобод тумани 1-болалар мусиқа мактаби директори, Тошкент шаҳри

Донобоев Холмирза -- Арнасой тумани 16-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Жалилов Саидумар -- Чироқчи тумани 14-касб-ҳунар мактаби кимё-биология ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Жигалина Тамара Владимировна -- Ангрен шаҳри 22-мактаб кимё ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Завьялова Валентина Николаевна -- Учқудуқ шаҳри 9-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, Навоий вилояти

Карамхўжаев Тошхўжа -- Хўжаобод тумани 4-мактаб физика ўқитувчиси, Андижон вилояти

Каськова Ирина Ивановна -- Ҳамза тумани 145-мактаб физика ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мамажонов Солижон -- Қува шаҳри 2-мактаб математика ва информатика ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мирзаева Фатима Рахимовна -- Миробод тумани 147-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Миркомилова Яқитхон Махмудовна -- Бекобод шаҳри 16-мактаб тарих ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Мун Нина Инокентьевна -

АҚШ ва Япония ўзаро хавфсизлик тўғрисидаги шартнома матнига ўзгартириш киритишга келишди. Келишувга кўра, иккинчи жаҳон урушидан кейин биринчи марта Япония ўз чегараларидан ташқаридаги ҳарбий зиддиятларда чекланган ҳолатда иштирок этиши мумкин. Мудофаа шартномасидаги бундай ўзгариш Хитой ва Шарқий Осиё давлатларининг норозилигига сабаб бўлди.

* * *

Крассовка тайёрлаш бўйича Америка бозорида учинчи ўринда турувчи «Фила» фирмаси Миллий баскетбол ассоциацияси юлдузи «Детройт Пистонс» командаси ўйинчиси Гранг Хилл билан 7 йилга шартнома тузди. Шартномага кўра, Хилл спорт либослари ва кроссовкаларининг бозори чаққон бўлишига кўмаклашиши, «Фила»га кўзга кўринган қайси спортчилар билан реклама шартномалари тузиш афзаллиги тўғрисида маслаҳатлар бериши зарур.

* * *

Америка ва Буюк Британия олимлари аҳоли саломатлигини сақлаш тадбирлари доирасида ўғил болаларни суннат қилишни ҳам мажбурий тадбирлар қаторига киритишни талаб қилмоқдалар. Олимларнинг таъкидлашича, суннат СПИД ҳамда айрим турдаги рак касалликлари озайишига сабаб бўлади. Ҳар йили туғилаётган 350 мингдан ортиқ ўғил болаларни суннат қилиш давлатга ўн миллион фунт стерлингга тушар экан.

* * *

Яқин орада Германиянинг пойтахтини Бонндан Берлинга кўчириш кутилмоқда. Ҳукуматнинг Берлинга кўчирилиши назарда тутилмаган бир қанча мураккабликларни келтириб чиқаради. Германия канцлерининг бўлажак қароргоҳи жойлашадиган кўча мамлакатнинг энг гавжум кўчаларидан бири ҳисобланади. Бу кўчадан ҳар куни қирқ мингдан ортиқ машина ўтиб қайтади.

* * *

Белоруссия Президенти Александр Лукашенконинг Ҳиндистонга расмий ташрифи давом этмоқда. У маҳаллий тадбиркорлар билан ҳам учрашади. Белоруссия Президентига мамлакат тадбиркорлари ҳам ҳамроҳлик қилмоқда.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ



ТУМАНЛИ ЮРТ ОҒУШИДА

Бир гуруҳ ўзбек журналистларининг Англия билан илк танишуви мамлакат пойтахти Лондондаги «Хитроу» тайёрагоҳига қўнишдан бошланди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Боинг» кемаси парвозида Темза дарёси, кўпдан-кўп кўприклар яққол кўзга ташланди. Намхуш ҳаво ва туманлар юртининг ўзига хос нафосати мафтункор. Ҳа, бу жаҳоннинг энг йирик ва қадимий шаҳарларидан ҳисобланувчи Лондон, кўҳна Европанинг пойтахтлари орасида энг тоза шаҳарлардан. Машҳур тарихий ёдгорликлар, музейлар, театрлар, супер-маркетлару кўнгилочар масканлар... Оқшом пардасига ўралган бетакрор манзаралар, чароғонлик ҳар қандай меҳмонни ром этади.



Саёҳатларга мўлжалланган йўлномалар шаҳар бўйлаб сайр ва автобусда юришда жуда асқотади. Олов ранг қўшқаватли автобуслар қулайликда аввали деяверинг.

Сайримиз бутун мамлакат ўз вақтини созлашга одатланган соатли Биг-Бен минорасини кўришдан бошланди. Сўнгра Темза бўйидаги Парламент биноси, ўтмишда қиролликнинг бош қамоқхонаси афсонавий Тауэр, Букингэм саройида фахрий қоровул алмашувини кузатиш ҳам мароқли бўлди.

Лондонда музейлар кўп. Энг каттаси — Британия музейи. Уни айланиш учун бир кун ҳам камлик қилади. Ҳаракатланувчи лавҳалар эса кино ва телевидение тарихидан «сўзлайди». Мумдан ишланган тимсоллар қўйилган Тюссо хоним музейида жаҳоннинг энг машҳур кишилари сиймоларини кўриш мумкин.

Лондон бўйлаб қисқа муддатли сайрда бир олам таассурот олдик. Сафаримиздан кўзланган мақсад — «Кока-Кола» компанияси ташкил этган фольклор фестивалида иштирок этиш учун Шеффилд шаҳри сари ошиқдик.

Ўзбекистон ва жаҳон

ШЕФФИЛДДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ

Фольклор фестивали Шеффилднинг муҳташам савдо марказида ташкил этилди. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келтирилган ва ҳар бир халқнинг миллий руҳи, урф-одати, тарихи ва маданияти мужассамлашган ўнлаб экспонатлар қўйилган. «Кока-Кола»нинг дунёга машҳур ва манзур ичимлиги шишасига ўзига хос тасвирлар туширилган. Бўйи қарийб 3 метрлик экспонатлар ўт, мато, чарм, шиша, гипс, пластик ва бошқа материаллардан яратилган. Уларни кўрган ҳар бир киши кўз ўнгида бутун жаҳон гавдалангандек бўлади.

Экспонатлар билан танишар эканмиз, бирдан пештоқ узра кўтарилган Ватанимиз байроғини кўриб қалбимиз фахр ва ғурурга тўлди. Бу — жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётган мамлакатимизга бўлган яна бир эътироф ва ҳурмат эди. Ҳамюртимиз, ёш истеъдодли мўйқалам устаси Темур Холмирзаевнинг фестивалга қўйилган асари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётганлигини кўриб қувондик. Унинг Буюк ипак йўли мавзусидаги асари қуёш нурларидан жилоланади. Қадимий миниатюралар услубида яратилган бу асар кўпчиликни ҳайратга солди. Британия телевидениесининг бир гуруҳ ижодкорлари Темур билан суҳбат қуришганда, у жуда ҳаяжонланди... Ахир, рассомлик институтида таҳсил олаётган юртдошимиз бундай нуфузли халқаро тадбирда илк бор қатнашаётган эдида...

Шу куни ажиб таассуротлар билан меҳмонхонага қайтдик. Озарбойжон ва Грузиядан келган ҳамкасблар билан гурунглашиш чоғи телевидениенинг «Янгиликлар» дастурида фестиваль ҳақидаги материаллар, Ўзбекистондан футбол репортажи ва «Президент кубоги» учун халқаро теннис турнири якунлари ҳақида репортажлар намойиш этилди.

Ҳа, мамлакатимиз жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Жонажон Ўзбекистонимиз довруғини оламга ёйишда ёш ҳамюртимизнинг оз бўлса-да ҳисса қўшганлигини кўриб қувондик.

Алишер РЎЗИЕВ.
Тошкент — Лондон — Шеффилд — Тошкент.

Эҳсон

Мамлакатимизда кўплаб хорижий ташкилотлар, қўшма корхоналар, фирмалар ишлаб турибди. Аслида ночорларга мурувват кўрсатиш ҳисси ҳар биримизга хос. У на миллат, на мазҳаб танлайди.

Германиянинг Агроакция инсонпарварлик ташкилоти 1994 йилдан буён юртимизда фаолият кўрсатиб келади. Эътироф этиш керакки. Агроакциянинг Марказий Осиё бўйича дастурини мувофиқлаштирувчи жаноб Дирик Альвек республикамизда ҳам талай хайрли тадбирларни амалга оширмоқда.

Яқинда улар Хева шаҳридаги 97-ақлан заиф болалар мактаб-интернатига 100 минг немис маркаси

МУРУВВАТЛИ ТАШКИЛОТ

миқдорида ёрдам кўрсатишди. Болаларга 100 та кроват, шкаф, тумбочка, стул, стол, мактаб ошхонаси учун совутгич эҳсон қилинди. Бундан ташқари бу ерда тарбияланаётган 120 нафар болажонларга кийим-бош, пойабзаллар ҳам улашилди.

Шунингдек, Хева туманидаги 16-мактабни капитал таъмирлашда ҳам Агроакция катта ҳиммат кўрсатди. Мактабнинг барча синф хоналари янги ўқув йилида шинам ҳолатда тахт бўлди. 100 ўринли ошхона бутун қулайликлари билан ўқувчиларга хизмат кўрсата бошлади. Спорт залига керакли барча анжомлар ўрнатилди, мусиқа асбоблари келтирилди. Яна бир яхши жиҳати, мактабнинг жуғрофия, тарих, меҳнат ва немис тили машғулоти хоналари замонавий ўқув қуроллари, аудио тасмалар билан жиҳозланди. Синф хоналарига энг замонавий ўқув қуроллари — аудиомагнитафон, телевизор, видеомагнитафонлар ўрнатилди. Булар ҳаммаси ўқувчиларнинг дунёвий билимларни ўзлаштиришига хизмат қиладиган бўлди.

Герман агроакцияси шу кунларда яна бир хайрли иш — экологик жиҳатдан аҳволи танг — Оролбўйи болаларига ана шундай одамийлик ҳамияти кўрсатиш дастурини ишлаб чиқяпти.

— Биз кўпроқ Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларига, айниқса, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон мамлакатига моддий ёрдам кўрсатяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда Герман Агроакцияси ваколатхонаси Марказий Осиё бўйича директори Имом-али Усмонов. — Зотан, бугун Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик энг катта бойлик. Халқ таълими катта ислоҳотларни бошдан кечиряпти. Шу ўринда ҳар биримиз халқ таълимига меҳр-мурувват кўрсатишга ўзимизни дахлдор деб ҳис этишимиз зарур. Чунки бугунги ўзбек боласи эртага жаҳон тараққиётига камарбаста бўлади. Бу юрт ана шундай беназир истеъдод соҳибларини етказиб берган-да!

Саида ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 29

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Шарқ тароналари». 7-кўрсатув.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Даврнинг узилмас ришталари».
9.05 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
9.25 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.50 «Алдар Кўса ва бой». Мультфильм.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Муҳаббат риштаси». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар (Ҳиндистон).
12.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
13.10 «Ўзкинохроника» намойиш этади. «Пахта».
13.20—14.00 Телевизион миниатюралар театри. «Шийпондаги ҳангомалар».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин мих». Мульт-фильм.
18.20 «Умид учқунлари».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 Бухоро—2500. «Афсонавий Бухоро».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади. (Ёзиб олинган).
22.30 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви. «Мусҳафи Усмон».
22.50 «Ҳуқуқий жамият сари».
23.05 II Марказий Осиё ўйинлари якунларига доир.
23.40 «Ахборот».
00.05 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.00 «Кундалик».
22.10 «Бешинчи ўлчов».
22.25 «Спорт қитъаси».
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15 — 00.25 Кундалик.
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 17.20 — 20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Одаматонинг қовурғаси». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевидениеси 21.50 — 22.15
*
22.15 «Кругозор». Тележурнал.
22.45 — 23.05 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.10 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Дидар».
20.00 «Жаҳон».
20.15 «Авторейд».
20.25 «Фариштам».
20.55 «Умр баҳори».
21.10 «Спорт-тайм».
21.40 «Ракурс».
22.15 «Таассуротлар оғушида». Ҳужжатли фильм (Япония).
22.40 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
23.25 «Мулоҳаза».
23.45 — 23.55 «Ҳайрли тун!»

СЕШАНБА, 30

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Фаровонлик манбаи».
9.40 «Олам ва одам».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Авлод».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
*
11.25 «Дунё адабиёти».
11.45—14.00 Ш. Бошбеков. «Темир хотин». Шакаржон қизиқ Юсуфжонов номидаги Фарғона вилоят театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Эл тинчлиги йўлида».
18.30 «Шарқ тароналари». 8-кўрсатув.
18.55 «Ажаб саодат эрур...» Адабий кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таянч нуқтаси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Меҳр нур». Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланади.
21.30 «Вазият». Публицистик кўрсатув.
21.45 «Санъат дўстликка чорлайди». Чарльз Ансбакер.
22.10 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
22.35 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви. «Хазина».
22.55 «Маънавият боғи». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.15 «Чемпион сафардан қайтди». Н. Толипов.
23.35 «Ахборот».
24.00 «Умрбоқий тароналар».
00.15 — 00.20 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Олтин кент».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ХИФ».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 Кинонигоҳ. «Инспектор «Морс». 9-серия.
23.15 Кундалик.
23.25 «Акс».
23.45 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
24.00 — 00.10 Кундалик.
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси, 6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Цирк артистининг куни». Телевизион бадиий фильм.
*
Россия давлат телевидениеси. 21.45 — 22.05
22.05 «Афсонавий шаҳарда». Телефильм.
22.15 — 22.35 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.05, 22.00 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.10 «Мусиқий фрагмент».
20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.45 «Дорихона эшитади».
21.20 «Жонли тил».
22.05 «Моҳир».
22.35 «Мусиқий фрагмент».
22.40 «Европа манзаралари».
23.00 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
23.45 — 23.55 «Ҳайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 1

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).
9.55 «Излаган имкон топади».
10.15 «Санъат дўстликка чорлайди». Чарльз Ансбакер.
10.40 «Чамандаги гуллармиз».
11.00 «Ғаройиб бола». Бадиий фильм.
12.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.50 «Муҳаббатга Ватандир юрак». Киноконцерт.
13.10 Уйғун. «Зебунисо». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Той бола».
15.00 «Сайқал». Видеоканал.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Нефтчи» (Фарғона). Танаффус пайтида — «Филча ва мактуб». Мультфильм.
17.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Оҳангларда қалб ҳарорати».
*
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Беодоб бола». «Сергайрат кампир». Мульт-фильмлар.
18.20 «Бокира туйғулар».
18.40 «Бу ёруғ оламда Ватан битта-дур...»
18.45 Фольклор-этнографик ансамбларининг «Зилол-97» телефестивали
19.05 Хива-2500. «Тарихингдур бир жаҳон».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.45 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ҳидоят сари». Маърифий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Кутлов». Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган кўрсатув.
22.10 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
22.40 Футбол, учрашувлар, натижалар.
22.45 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.50 «Ахборот».
00.15 «Доира оҳангида». Фильм-концерт.
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Мусиқий шарҳ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.15 Кундалик.
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15 — 00.25 Кундалик.
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.35
*
20.35 Ўқитувчилар кунига. «Мусиқа ҳамма учун».
21.05 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
21.35 «Бриллиант қўл». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевидениеси. 23.15 — 23.35
*
23.35 Эълонлар.
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.25 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Осойишта хонадонда».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.30 «Азизим».
21.00 «Устоз».
21.30 «Автосалтанат».
21.40 «Эллада».
22.05 «Ҳаёт карвони».
22.30 «Дунё эшиги». Хитой Халқ Республикасининг Мустақиллик кунига.
23.00 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
23.45 — 23.55 «Ҳайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 2

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
9.05 «Иқтисодиёт чорраҳала-рида».
9.25 Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилол-97» телефестивали.
9.45 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қизиқарли учрашувлар».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ўзбекистон тарихи.
11.00 Япон тили.
11.40 Алифбо сабоқлари.
*
12.10 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
13.10 — 14.00 «Кутлов». Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Навбаҳор» (Наманган). 2-тайм.
19.00 «Ризқ макони».
19.10 «Шарқ тароналари». 9-

(Давоми 4-бетда).

«МЕН ЎЛДИРГАН ЭДИМ»

Орадан ўттиз тўрт йил ўтгач, ниҳоят собиқ қотил ўз айбини бўйнига олди: «22 ноябрь 1963 йил Жон Кеннедини ўлдирган ўқни — мен узгандим» — дея айбига иқрор бўлди. Бу хабар бутун Америка халқини қаттиқ саросимага солиб қўйди.

Қотилнинг ишлари бўйича шуғулланаётган терговчи Марк Зеблер бу хабарни биринчи бўлиб эшитди. Қотил — суд қилинмаслиги, кимлиги яширин ҳолда қолган тақдирдагина бу жиноятни очиб бериши мумкинлигини айтди. Федерал ҳукумат унинг иккала талабини ҳам қондиришга рози.

Президент Кеннедининг ўлими тўғрисидаги янги далил ва исботлар, айбдорнинг ўз айбига иқрор бўлиши билан очилди. Қотил — қариб қолган, ва ҳозирги кунда ўпка раки касалидан азоб чекаётганлиги сабаб, бу дунёдан кўз юмушдан олдин ўз гуноҳини бироз бўлсада юмшатиш ниятида шундай қарорга келган. Шуни айтиб ўтиш керакки, қотил барча жараёнларда: жиноятни содир қилиш чоғида ҳам, иқрор бўлишида ҳам ниқоб остида бўлган.

Қотил 22 ноябрь 1963 йили бу жиноятни уюшган жиноятчилар гуруҳи топшириғи билан, катта пул эвазига содир қилган. У — қотилликни бошқариб турган «гуруҳ» бошлиқларига, ўта махфий ҳолатдагина бу жиноятга қўл уришини айтади. Бу шарт уларга ҳам маъқул келади ва пул жиноятчига етиб келгунига қадар жуда кўп қўллардан ўтади. Жиноятнинг изини ёпиш мақсадида Ли Харви Освальдни қотилга унинг ўрнини эгалловчи сифатида ёллашади.

— «Освальднинг ўқи губернатор Конеллига, мен отган ўқ эса Жон Кеннедига тегди», — дейди жиноятчи.

Қотил президент ўлимидан кейин бошқа жиноят содир қилмаган. Кейинги ҳаётини қонунга бўйсунадиган тижоратчи сифатида кечириб келган.

Бу жиноят билан шуғулланган терговчиларнинг таъкидлашича, қотил келтирган тафсилотлар содир бўлган воқеаларга бутунлай мос келади.

Яқинда Зеблернинг президент Жон Кеннеди ўлими тўғрисидаги тўлиқ ҳисоботи — Қўшма Штатлар матбуотида берилади ва ҳеч кимнинг кўнглида бирон бир гумон қолдирмайди.

«Всемирные новости» журналидан
Дилором АЛЛАҚУЛОВА тайёрлади.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

КАСБИ ЎҒРИ БЎЛГАЧ...

Йошка- олалик Евгений бунақа воқеага энди дуч келиши. Ўзиям ҳайратдан донг қотди, на йиғлашини билади, на кулишини. Гап шундаки, велосипедда уйига кетаётувди. Қовун бозори ёнидан ўтиб кетаётиб, нафс қурғур қўймади, қовун ҳиди аъзо-ю баданини жимирлатиб, нафсини чулғаб олди. «Битта зўридан олиб кетмасам бўлмайди» ўйлади ва велосипедни ёнига қўйиб, сотувчи билан савдолаша бошлади. Қовунни олиб, сумкага жойлаб ёнига қараса велосипед йўқ, гўё ер ютиб кетгандек. Бир пайт анча наридаги буталар орасига бир қиз велосипеди билан йиқилиб тушди.

Евгений сумкасини кўтарганча қизни турғазиб қўймоқ учун борган эди, велосипед ўзиники. Қиз: «Ҳазиллашдим. Шунчаки айланиб, миниб кўрмоқчи эдим» деди ва гойиб бўлди.

Евгений велосипеднинг қийшайган рулини тўғрилаб энди кетмоқчи бўлиб, қовун солинган сумкасини оламан деган эди... сумка йўқ.

Ҳазилкаш қиз энди сумкани қовун - повуни билан кўтариб кетибди.

ШАҲАРДА ЯШАШ ЯХШИ, БИРОҚ...

Ҳа, шаҳарда яшаш ҳақиқатан ҳам яхши: газ, иссиқ сув, совуқ сув дегандек, ҳамма нарса муҳайё. Шунинг учун ҳам Европада шаҳарга интилиш кучли. Масалан, БМТнинг иқтисодий комиссияси келтирган маълумотларга кўра, Европа шаҳарларида аҳоли сони 1950 йилда 733 миллион киши бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам 2,26 миллиарддан ортиб кетди. Янги минг йилликка бориб эса Европанинг ярим аҳолиси шаҳарларда яшашини мутахассислар «башорат» қилишмоқда.

Ҳозирги кунда Европанинг фақат Португалия ва Албания мамлакатларигина «қишлоқи»лари кўплиги билан мақтана олиши мумкин. Бу икки давлатда аҳолининг атиги 40 фоизигина шаҳарларда яшашади. Швеция, Люксембург, Германия, Дания, Буюк Британия, Исландия ва Бельгияда эса аҳолининг 80 фоизи шаҳарларда истикомат қилишади.

Шаҳарларда аҳолининг кўпайиши биринчи навбатда экологик муаммоларни келтириб чиқариши кўпчиликка маълум.

БМТ комиссиясининг маълумотларида айтилишича, Европанинг атиги миллион киши яшайдиган шаҳарларида кунига 25 минг тонна карбонад ангидрид гази «ишлаб чиқарилади». 300 минг тонна сув истеъмол қилинади ва 1600 тонна қаттиқ турдаги ахлатлар ташланади. Булардан ташқари шаҳарларда транспорт ҳаракати ҳам тобора қийинлашиб бормоқда.

Масалан, Европанинг 38 фоиз шаҳарларида транспортнинг энг тиғиз пайтида автомобиллар соатига 19 километр тезликда юра олади холос.

47 шаҳарда транспорт ҳодисаси жуда кўп содир бўлади. Бу ҳодисалар одам ҳалокатисиз кечмайди. Ҳозирча Франциянинг Бордо шаҳри бу кўрсаткич бўйича биринчи ҳисобланади. Сўнг Милан, Белфаст, Ганновер ва Борселона рўйхатдан ўрин олган. Москва, Киев, Ла-Валетта, Тирана ва Венеция ҳам транспорт ҳодисаси кўп содир бўладиган шаҳарлар рўйхатининг охирроғига бўлса-да тиркалган.

ҲАЛИ УМИД БОР

Францияга бериладиган уч (тўрт) йўлланмадан бирига даъвогар Осиё минтақаси жамоалари ўртасидаги иккинчи босқич ўйинлари қизғин паллага кирмоқда. Ишқибозларга аёнки кетма-кет учта сафар учрашувида футболчиларимизнинг тайёргарлиги, нималарга қодирлиги кўринди. Мухлисларнинг кўнгли тўлмай тургани шундаки, ҳар учрашувда имкониятлардан етарли фойдалана билмаслик, айниқса, жарима майдонида аниқ ва тиниқ ўйнолмаслик, қолаверса ҳимоянинг бўшлиги, бутун жамоани бошловчи тўпурарнинг йўқлигидир.

Шунга қарамай мухлислар футболчиларимиз қалбида Ватан туйғусини жўш уришини, мамлакат терма жамоасида ўйнаш катта ифтихор эканлигини ҳис этишларини истаган ҳолда улардан умидбахш ўйинлар кутишмоқда. Боиси, йигитларимиз кетма-кет тўртта учрашувни ўз майдонларида ўтказадилар. Ҳар бир ўйин эзгу ният сари собит қадам бўлиши ёки умидни узиб, қўл силташимизга сабаб бўлиб қолиши табиий. Бугун футболчиларимиз жиддий имтиҳондан ўтадилар. Меҳмонлар — БАА футболчилари анойи эмас. Уларнинг қандай ўйнашлари, дарвозани нишонга олишларини кўрдик. Устозлари ўргатганидек, ҳаракатларида Бразилия футболига хослик намоён. Ҳар қалай бош терма жамоамиз мураббийлари бу ўйинда янги кучларни майдонга туширириб, ўзига хос услубда ўйин кўрсатишга ҳаракат қиладилар деган ниятдамиз.

Умуман айтганда, Осиё минтақасининг икки гуруҳга бўлинган 10 жамоасидан қайси бирларининг Париж йўлланмасига эга бўлиши ҳақида ҳозирча аниқ фикр билдириш қийин. Сабаб, кураш энди авжга минмоқда. Ҳали кўп ютуқлар бўлиши мумкин. Зеро, ўз гуруҳида ғолиб бўлиш фақат омади юришган жамоаларга насиб этиши аниқ. Гуруҳларда иккинчи ўринни олганлар учинчи йўлланма учун ўзаро «жанг» қиладилар. Тўртинчи ўринда қолган жамоа эса Океания минтақасининг ғолиби Австралия футболчилари билан сўнгги йўлланма учун баҳслашади. Бордию, ана шу сўнгги учрашувда қатнашиш футболчиларимизга насиб этгудек бўлса, орзуларимиз ушалишига умид бор десак бўлар. Демак ҳаммасини вақт, қолаверса, қизғин ва муросасиз баҳслар ҳал қилади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

FRANCE 98

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

кўрсатув.

19.25, 20.25, 20.55, 23.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов концерти.
21.55 «Иймон».
22.25 Шавкат Раҳмон. «Оқибат» Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.50 «Таҳлил».
23.05 «Биламиз-у, аммо...».
23.30 «Ахборот».
23.55 «Унвони инсон». «Ўзкинохроника» премьераси.
00.10 — 00.15 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Мультипанорама».
9.15 «Нафосат».
9.25 «Синфдош».
9.45 «Туҳфа».
9.55 «Бу munис лаҳзалар».
10.20 «Даллас». Телесериал.
11.10 «Жараён».
11.20 Видео—«О».
12.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари.
10.40 «Келин-куёв». Телешоу.
11.15 «Одамлар орасида».
11.40 — 13.10 «Кино жавонидан».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.35 «XXI аср авлодлари».
18.55 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.05 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.15 «Эртага — шанба».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дил дафтари».
20.00 «Сизлардан ишорат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 «Дераза».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.35 «Кинонигоҳ».
23.10 «7 дан 70 гача».
23.30 — 00.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.35

*

20.35 Видео—«О».
00.45 — 00.55 «Даракчи».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
17.15 — 22.15

*

22.15 Эълонлар.
22.20 «Жейн хоним». Бадиий фильм. 1-серия (Англия).
23.30 — 23.40 Хива — 2500. «Хива — тўрт дарвоза шаҳри». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Шанба эртаги».
10.25 «Спектаклдан сўнг».
10.55 «Ёввойи». Бадиий фильм.
12.20 «Учувчи шифокорлар». Бадиий фильм.
13.05 «Шарқ тароналари».
13.35 «Польшага назар».
13.50 — 14.10 «Корейс тилини ўрганамиз».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.15 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Биргаликда қўйлайлик».
20.45 «Намастэ».
21.15 «Рақслар қанотида».
21.45 «Тақдирлар».
22.20 «Самодаги олмослар». Телесериал.
23.05 «Бу ажиб дунё».
23.20 «Хит-коллекция».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Шарқ тароналари». 10-кўрсатув.
11.25 «Табассум қўчаларида». С. Аҳмад. «Керакли аждар».
12.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
12.30 «Ўн учинчи хотин». Бадиий фильм.
14.10 «Мусобақалар, очколар, секундлар».
14.25 — 15.25 «Болалигим — пошшолигим».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Омад юлдузи».
18.40 Султонмурод Олим. «Дўппи». Видеофильм.
18.50 Хива — 2500. «Хива». Телефильм.
19.00 Эстрада тароналари.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий дам олиш кўрсатуви.
22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши). 2-тайм. Ёзиб олинган.
22.50 «Якшанба оқшомида».
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
23.20 Кино янгиликлари.
23.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.45 «Яна ўша Насриддин». Телевизион мусиқий бадиий фильм. 1—2-сериялар («Ўзбектелефильм»).
01.35 — 01.40 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Қонун ҳимоясида».
9.40 «Дилбарим».
9.55 «Умрбоқий мерос».
10.05 «Бизнес-академия».
10.20 Дилором наволар.
10.35 «Ханда дўкони».
10.55 «Қўшиқлар жилоси».
11.15 «Даллас». Телесериал.
12.05 «Интер-футбол».
12.25 — 14.00 Видео—«О».

*

16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
18.20 Мультипанорама.
18.40 «Турфа олам».
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Мусиқа салтанати».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Жараён».
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Миллионлар ўйини».
22.50 «Тақвим, эълонлар, оҳанглар».
23.00 Видео-«О».
00.35 — 00.45 «Даракчи».

III

17.30 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
17.35 — 22.05

*

22.05 Эълонлар.
22.10 «Жейн хоним». Бадиий фильм. 2-серия.
23.20 — 23.45 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франса?»
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.35 Эълонлар.
11.40 Киносалон. «Шошилсанг — одамларга кулги бўласан». Бадиий фильм.
13.40 «Ракурс».
14.10 «Жонли сайёра».
14.30 «Турбулентлик». Бадиий фильм.
16.00 «Шу куннинг мавзуси».
16.15 Мультэкран.
16.35 «Сенинг вақтинг».
16.55 — 17.10 «English for children». Болалар учун инглиз тили.

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.10 Эълонлар.
19.05 «Менинг кўчам».
19.20 «Телеташриф».
19.40 «Иштирок этувчилар».
20.10 «Тошкент оқшомида».
20.40 «Жаҳон кинематография-си янгиликлари».
21.15 Киносалон. «Сувли дунё». Бадиий фильм.
23.15 «Мусиқий олимп».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!»

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 27 sentabr, shanba № 114 (22.198).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

КАМОЛОТ ИЧРА КЎЗГУ

Таълим фидойилари

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон Хосиятхон ая Болтабоевадир. Ая Андижон туманидаги 13-мактабда 48 йил ўқитувчи бўлиб ишлади. 48 йил... Бу йиллар бағрига аянинг бутун ёшлик ғайратшижоати, орзу-армонлари, меҳру муҳаббатлари сингиб кетган. У:

— Биз оғир шароитларда кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлардик, болам, — дея эслайди эндиликда хотирага айланган ўқитувчилик йилларини. — Бир синфда 40-50 нафар ўқувчи ўқирди.

Ая ўша ўқувчиларини кўраётгандай, улар билан суҳбатлашаётгандай чуқур хаёлга чўмади. У дамларни энди фақат хотирадагина кўриш мумкин. Ўша йиллардаги ўғил-қизларнинг айримлари бу ёруғ оламни тарк этган, кўплари неварачеварали. Ҳаётда олган билимларини авлодларга — фарзандларига улашиб, ўзлари устозлик даражасига етиб, устозлари ҳақида фахр билан сўзлашиб яшаётгандирлар...

Хосиятхон ая ўз касбидан, умридан мамнун ҳолда «худога шукр, умримиз бекорга кетмади», — деб қўяди. Бу гапда теран маъно бор. Аянинг ўқувчилари ҳаётнинг ҳамма жабҳасида: деҳқончиликдан арбобликкача, шифокорликдан олимликкача, чўпонликдан меъморликкача бўлган соҳаларда ўз ўрни, мавқеини топиб, элу юртга сидқидилдан хизмат қилдилар...

Ая ўқитувчи обрўси ҳақида ҳали-ҳануз қайғуриб, куйиниб гапиради: Ҳар қандай мартабали киши ҳам ўқитувчи олдида отдан тушиб, салом беришини инсоний одобнинг энг юксак ифодаси деб баҳолайди. Ўз фарзандларига ҳам шундай деб уқтиради. Шунданми, оилада икки фарзанди: ўғли Лермонхон ва кенжа қизи Раъногхон ҳам ота-она изидан бордилар. Аянинг турмуш ўртоғи Султонхон ака Тўрахонов ҳам бутун умрини Андижон туманидаги ёшларни тарбиялашга-ўқитувчиликка бағишлаган эди. (У киши 1964 йили вафот қилган. Оллоҳ раҳмат этган бўлсин). Султонхон ака Тўрахоновнинг эл олдидаги хизматларини ҳукуматимиз муносиб баҳолади. У кишига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони берилди ва бир қатор орден, медаллар билан тақдирланди. Султонхон ака вафотидан кейин эса, Андижон туманидаги 14-ўрта мактабга устоз муаллим номи берилиб, хотираси абадийлаштирилди.

Ая пиру бадавлат инсонлардан, табаррук онахонлардан. Оилада тўрт фарзанд улғайтириб, уларни қаторга қўшган, Ватан, халқ хизмати йўлида садоқат билан ва ҳалол меҳнат қилишга ўргатган кишидан ҳам бахтиёр одам борми!

Ҳа, ҳаётга, озод, келажаги порлоқ бўлган Ватанимиз — Ўзбекистонимизга етук ўқимишли, илғор фикрли, жонкуяр авлодлар берган меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, ая «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрли унвонига сазовор бўлган, бир мактабда 48 йил ёшларга таълим-тарбия берган инсон пиру бадавлатдир. У киши ҳар қанча мақтов ва шарафларга лойиқдир.

Усмонжон ШУКУРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ИЖОДИЙ ВА АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси марказий аппарат ходимлари учун ҳар душанба куни эрталаб маърифат дарсига йиғилиш одат тусига кириб бормоқда. Бу галги «Божхона ва матбуот» деб аталган маърифат дарсида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг Бош муҳаррири, шоир Азим Суюн ва муҳаррир ўринбосари шоир Салим Ашур иштирок этди.

Азим Суюн ўз сўзида бугун Президентимизнинг ташаббуси туфайли матбуот аҳамияти янада кўтарилаётганлиги, шунингдек маънавият ва маърифат борасида ҳам қатор амалий ишлар қилинаётганини таъкидлаб ўтди. Мазкур йиғилишда Азим Суюн ва Салим Ашур тингловчиларга ўз ижодларидан намуналар ўқиб беришди. Маърифат дарслиги қизғин ижодий учрашув ва қизиқарли мунозараларга бой равишда ўтди.

Учрашув сўнггида газета ва божхона ўртасида амалий мулоқотлар ўрнатилишига келишиб олинди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бўлим бошлиғи.

БАҒРИНҒИЗДА ЭНҒ БУЮК ВАТАН!

Шеър ва шуур

***

Муҳаббатда ким ўзарга ўйнамаслар,
Чин ошиқлар жонни ўйнаб қийнамаслар,
Ишқ қўшиғин шўх овозда куйламаслар,
Эй, умримга
Маъюс боққан атиргуллар.
Яфроғларга хазон каби боқмайдилар.
Ғам қаҳрида танҳо-танҳо оқмайдилар,
Ғайбин сотса ўлим билан оқлайдилар.
Эй, умримга.
Маъюс боққан атиргуллар.
Омонатлар омонатдур ҳамиша,
Хиёнатлар хиёнатдур ҳамиша,
Ёр деб ўлмак саодатдур ҳамиша,
Эй умримга,
Маъюс боққан атиргуллар.
Сиёҳрангмас камалакдур ул кунлар,
Бунча обод қулманг бағри бутунлар.
Мангуликка ҳайкал ишққа тутқунлар,
Эй умримга,
Маъюс боққан атиргуллар.

***

Сочимдай паришон кечалар,
Дилим-о кимларга куясан,
Хазонлар маҳзуна куй чалар.
«Айт, нечун саробни суясан»
Мажнунтол лабида қўшиғим,
Васлга видолар айтади.
Қабримда тик турсам бир куни,
Осийлар ҳур бўлиб қайтади.
О, маним,
Сарғайган соғинчим.
Кел энди кўксимда мозоринг.
Ижобат бўлмади ўтинчим,
Бўғзимда гуллайди озоринг.
Ҳамнишин, ҳамрозим, ҳабибим.
Канглум-ай бунчалар ғофирсан.
Солиҳим, соҳирим юрагим.
Сан мудом фироқда зоҳирсан.
Сочимдай паришон кечалар,
Дилим-о кимларга куясан.
Бу йўлда қон қусди нечалар,
«Айт, нечун саробни суясан»!

***

Сиздан қандай кетаман айри,
Қай гузарда тушарман айро!
Наҳот битди севгимиз сайри,
Бизни қайга элтар бу дарё.
Қай соҳилда бизни кутар бахт,
Қай қирғоқда бўларман байроқ,
Дийдорингиз ўлимдай яқин,
Дийдорингиз ўлимдай йироқ.
Сизни қандай унутгум ахир.

***

Ёруғ дийдоринга тўймасман асло,
Гарчи минг йил висол берса ҳам тангри.
Гарчи ўртайверсин туноҳ занжири,
Шодмонликдан айри,
Денгиз қарошинга босиб туриб лаб,
Аччиқ соғинаман саҳродай қақраб.
Исмингни тишимда тишлаб титрадим.
Сен ишратталабсан.
Мен юракталаб!

***

Дийдорингиз кундай ёруғ,
Дийдорингиз тундай фусункор.
Нигоҳингиз зулфиқори тиғ.
Ундин ўлмак кўп ширин қайғу,
Турналардай узилмас занжир. —
Бўйнимизда осмонча гуноҳ.
Бўғзимизда ерча таззарру,
Ўртамизда қилча гина йўқ.
Бағрингизда энг буюк Ватан —
Сочларимнинг олтин гўшаси.
Вужудимиз битта томирдан,
Ўсиб чиққан исм тўшаги.
Лабингизда жоним калити.
Қийноғида аллалар саси,
Васлингизнинг энг содиқ ити.
Дийдорингиз яшил водийси,
Мен бўламан,
Танҳо бўламан!

Озода БЕКМУРОДОВА

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ПОЛИПРОПИЛЕН ЎН ҚОПЛАРИНИ (50 кг)
пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ
Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ 1, 38-уй, 187-хонадон.
Мўлжал: «Электроника» магазини
Телефон: (3712) 133-40-07.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани солиқ назорати томонидан Маулянова Шарипа номига берилган № 560825 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80, факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРОЕВ, навбатчи А. БОБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 33 824 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0578

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА